

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Санъат ва муҳандислик графикаси” КАФЕДРАСИ

Акбаралиев Аббос Рахмоналиевичнинг

5141000- МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА
БАКАЛАВР ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН «Қўшиқ куйлаш
орқали ўқувчиларда нафосатни шакллантириш йўллари»
МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Раҳбар: Б.С.Абдурасулов

ГУЛИСТОН – 2012

М у н д а р и ж а

Кириш.....

I.БОБ. Қўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосатни шакллантиришнинг илмий-назарий асослари.

1.1. Қўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосатни шакллантириш долзарб муаммо.

1.2. Қўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосат тарбиясини шакллантиришнинг ҳозирги аҳволи.

II.БОБ. Қўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосатни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари.....

2.1 Қўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосатни шакллантириш усуллари.....

**2.2.Мақтаб ва синфдан ташқари шароитда нафосат тарбиясини шакллантириш. Тажриба- синов натижалари
Хулоса ва амалий тавсиялар.....**

Фойдаланилган адабиётлар.....

Интернет материаллари.....

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Маънавий ва ахлоқий юксалиш , имон, инсоф, диёнат, ор-номус , меҳр-оқибат ,нафосат,миллий ғурур ва миллий қадрият каби чинакам инсоний фазилатлар ўз- ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳаммасининг заминида тарбия ётади. Жамият тараққиётининг ҳар қандай босқичида шахс тарбиясига алоҳида эътибор берилганлиги тарихдан маълум ва бугунги кунда ҳам бу масала мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, улар ёшларнинг фарован ҳаёти ва турмуш тарзи , озодлиги , саломатлигига ҳамда уларнинг интеллектуал салоҳиятининг юксалишига қаратилган.

Республикамиз Президенти Ислоҳ Каримов мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ўзбек халқи ҳеч кимдан кам эмаслигини ва Ўзбекистоннинг келажаги буюклигини таъкидлаган эди.Бугунги кунда ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда, кундалик ижтимоий ҳаётимизда маънавий ва ахлоқий қадриятларимизни ўрни беқиёсдир. Бу борада асрлар оша ўтиб келаётган халқ маънавий хазинасининг бебаҳо бойлиги бўлган ўзбек миллий мусиқа мероси ва халқ кўшиқлари ёшлар тарбиясида улкан аҳамият касб этишини унутмаслигимиз керак. Ёшларда нафосат тарбиясини шакллантиришда кўшиқларни восита сифатида оила, болалар боқчалари, умумтаълим мактабларида ва мактабдан ташқари мусиқий машғулотларда атрофлича ўрганилиши муҳимдир. Бундай кўрсаткичларга эришиш учун энг асосий вазифа қилиб кишиларнинг маънавий бойлигини ва дунё қарашини миллий қадриятлар орқали шакллантириш лозимлигини кўрсатиб берди.

Юртбошимиз ўзининг барча асарларида “Ёшларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”деган сўзларни такрор ва такрор ёзганлар. Мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашни талаб этади. Баркамол инсонни тарбиялашда нафосат тарбияси алоҳида аҳамиятга эга. Нафосат тарбияси

деганда гўзалликни ҳис қилиш, гўзалликни яратиш, орасталик ва ёш авлодни юқори дидли қилиб тарбиялаш тушунилади.

Профессор Тилаб Махмудов ўзининг “Эстетик дид” ҳақидаги китобида “Диди паст киши ҳаётда пассив бўлади. Унинг туйғулари ҳақиқий гўзаллик изламайди, диди кашшоқ бўлади. Гўзаллик туйғуси шу қадар қудратли туйғуки, у одамни бир неча бор юқорироқ, олижаноброқ қилади”, деб ёзган. Муסיқа маданияти дарсларида кўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосатни шакллантириш ҳозирги давр талабидир. Ўқувчиларда инсон маънавий маданиятининг таркибий қисми бўлган нафосатни шакллантириш муסיқа тарбиясининг асосий мақсадларидан бири бўлиб туради.

Шу боис, биз тадқиқотимиз мавзусини **“Кўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосатни шакллантириш йўллари”** деб номладик.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ - Мактаб муסיқа маданияти дарсларида кўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларни нафосатни шакллантиришнинг самарадорлигини ошириш..

ТАДҚИҚОТНИНГ ОБЪЕКТИ – Умумтаълим мактаб муסיқа маданияти дарслари.

ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ - - Мактаб муסיқа маданияти дарсларида кўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларни нафосатни шакллантиришнинг самарадорлигини ошириш жараёни.

ТАДҚИҚОТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ :

1. Тадқиқотга оид илмий манбалар билан танишиш.
2. Кўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосатни шакллантириш учун асарлар мажмуасини тўплаш.
3. Тўпланган асарларни мақсадга мувофиқ тадбиқ этиш .
4. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг методлари:

1. Тадқиқотга тегишли илмий ва педагогик адабиётларни таҳлил қилиш.
2. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш.

3.Мақсадга мувофиқ педагогик кузатишлар олиб бориш

4.Тажриба синов ишларини олиб бориш.

ТАДҚИҚОТНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСИ .Шарк мутафаккирларининг мусиқий тарбия ҳақидаги фикрлари, мусиқий тарбия ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг давлат хужжатлари киради.

ТАДҚИҚОТНИНГ ЯНГИЛИГИ : Қўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосатни тарбиясини шакллантиришнинг зарурлиги исботланган, мусиқий асарлар тўпланган, қўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосат тарбиясини шакллантиришга оид тавсияномалар ишлаб чиқилган

ТАДҚИҚОТНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ: қўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосат тарбиясини шакллантиришнинг самарадорлигини ошириш йўллари асосланган. Тадқиқот натижаларидан умумтаълим мактабларининг мусиқа ўқитувчилари ўз фаолиятлари давомида фойдаланишлари мумкин.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ : Кириш, икки боб, тўрт фасл, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати иборат бўлиб саҳифани ташкил этади.

I.БОБ. Қўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосатни шакллантиришнинг илмий-назарий асослари.

1.1. Қўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосатни шакллантириш долзарб муаммо

Республикаимиз Президенти И. А. Каримов “Биз мамлакатимизнинг истикболи, ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадлар учун хизмат қилишига боғлиқ эканлигини ҳамиша ёдда тутишимиз керак”, деб бежиз айтишмаганлар.

Қўшиқ куйлаш орқали ўқувчи ёшларни тарбиялашда нафосат тарбияси алоҳида аҳамиятга эга. Нафосат тарбиясига ўтмиш, туркистонлик алломалар юқори баҳо берганлар. Ўрта аср фалсафасининг йирик намояндаларидан бири Абу Наср Форобийнинг гўзаллик ҳақидаги тушунчаси нафосат фикрлар тарихида янги босқич яратди. У ўзининг “Масалаларнинг моҳияти” асарида инсонни улуғлаб : “Инсон ўзининг муҳим хусусиятлари билан барча ҳайвонлардан фарқ қилади.... Инсон ақл кучига эга. Инсонда ақлий қувват вужудга келиб унинг ёрдамида инсон фикр юритади, гўзал нарсани ёмон нарсдан фарқ қилади”, - деб таъкидлаган.

Форобий фикрича, табият (жамият) яхши ва ёмонни ҳам, гўзаллик ва хунукни ҳам ўзида мужассамлаштирган. Инсон ақл ёрдами билан яхши ва ёмонни ажратиб олади. Бу муҳим ҳаётий муаммода нафосат тарбияси катта аҳамиятга эга эканлигини уқтирган. Ўрта аср буюк алломаларидан бири, дунё тиббиётининг устунларидан бири ватандошимиз Абу Али Ибн Сино нафосат соҳасида ҳам қимматли фикрлар баён қилган. Унинг фикрича, дунёдаги барча нарсалар, жумладан гўзаллик ҳиссиёти инсон сезги воситалари: кўриш, эшитиш,

хидлаш, там сезиш, ушлаб кўриш орқали билиб олинади, гўзалликни сезади, ундан лаззатланади. Бунинг учун инсон соғлом ва баркамол бўлиши керак. Миллий адабиётимиз асосчиси Алишер Навоий ўз асарларида Ватанимизни жаннатдан қолишмаслигини, гўзал бўстон эканлигини бадий мисраларида тараннум этади. У инсон гўзаллиги меҳнатсеварликда, ахлоқ- одобда ва донишмандликда ўз ифодасини топишни таъкидлайди. “Хамса” да шоир:

“Адл ила олам юзин обод қил

Хулқ ила олам элин обод қил ”, - деб таълим

беради.

Мумтоз адибимиз Абулла Қодирий ўзининг “Ўтган кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларининг қаҳрамонлари Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъноларни жисмоний жиҳатидан ҳам гўзал инсонлар деб таърифлайди. Улар соф ва самимий муҳаббат эгалари, одоб - ахлоқли, мустаҳкам иродали инсонпарвар кишилардир. Бу роман ўқувчиларни гўзаллик руҳида тарбиялайди.

Ватандош мутафаккирларимиз ўз асарларида илоҳий ва инсоний гўзалликни тараннум этганлар. Нафосат тарбияси баркамол инсонни тарбиялашга хизмат қилишини уқтирганлар.

Нафосат тарбияси воситаларига доир айрим мулоҳазалар. Мактабда мусиқа дарсларидан ташқари барча синф ва барча фанларда нафосат (эстетик) тарбиясини амалга ошириш имкониятлари мавжуд. Нафосат ўз ифодасини санъат ва адабиётда топади. Ўқувчилар эътиборини кўшиқнинг сўзига, характериға қаратамиз, Асарнинг тили, сўз санъатидаги гўзалликни, шоир ёки ёзувчининг руҳий кечинмаларини очиб бериш ва бошқа йўллар билан нафосат тарбияси берилади.

“Наврўз” ўлкамизда севимли байрамларидан бири бўлиб қолган. Бу ҳақида Уйғун “Яшаргандай кўринар дунё” шеърисида:

“Ўлкада бошланади Наврўзи олам

Ялпиз униб чиқди ариқ бўйига

**Ҳамма нарса тайёр, бари майё
Наврўзи оламнинг кўркам тўйига.**

**Ерларга тўшалди майсадан гилам.
Қирларга ёқилди лоладан шам,
Гўзаллик, ҳаловат, осойишталик.
Тинчлик, бахт- саодат бўлди жамул жам.”**

- деб Наврўз байрамининг нафосатини ҳаққоний куйлаш билан бирга, ундан лаззатланишга, табиатни эъзозлашга, тинчлик, бахт-саодатга даъват этади. Ўлка фаслларининг нафосатини мадҳ этадиган шеърлар Хамид Олимжон, Қуддус Муҳаммадий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Зоҳиджон Обидов ва бошқалар томонидан ёзилган. Гўзалликнинг ҳаққоний манбаи табиатдир. Нафосат, тарбиясининг асосий мақсади инсон табиат ва жамиятдаги гўзалликни сезсин ва ундан лаззатлансин. Мусиқа ўзининг хусусиятлари ва такрорланмаслиги билан инсонни маънавий жиҳатдан юксалтиради, дунёқарашини шакллантиришга ёрдам беради, уни эзгулик сари етаклайди. Айниқса, ўзбек миллий мусиқа ижодининг эстетик-тарбиявий имкониятлари жуда ҳам каттадир.

- Мактаб мусиқа дарслари амалиёти шундан хабар берадики, агар ўқувчилар қайси бир асарни қизиқишсиз, иштиёқсиз ўрганишга киришсалар, бу ўқув жараёни тўғридан-тўғри салбий ҳиссиёт манбасига айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Нима қилиш керак. Ўқувчиларда мусиқани ўрганишга бўлган кайфиятини яратиш учун ижодий изланиш йўлидан бориши керак бўлади: болалар ўз халқининг миллий маданияти, кўшиқларининг жанр тавсифини билиб олсин. Бу эса асарнинг ғоявий - ҳиссий манзарасини яхлит тасаввур этишга имкон беради, ҳиссий мазмунини очишга, мусиқий воситаларини аниқлашга кўмаклашади. Натижада ўрганилаётган асарнинг бадиий образи ҳам яққол кўринади.

Мактаб мусиқа маданияти дарсларида ўқувчиларни нафосат тарбиясига ўргатиш муҳим бир функция (вазифа)ни бажаради: шахснинг ҳиссий раҳмдиллиги ва эстетик фаоллигини оширади, унда бадиий дидни шакллантиради, атроф- муҳитни чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Ўқувчиларда мусиқий - эстетик маданиятни шакллантириш учун махсус ташкил этиладиган фаолият талаб этилади. Бунда мусиқий материални шундай танлаш ва тартибга солиш керакки, унинг таркибида миллий гўзаллик хусусиятларига эга бўлган ҳамда тушунарли ёзилган турли халқлар ва ўзбек композиторларининг мусиқий асарлари мавжуд бўлсин. Мусиқий асарларнинг бундай намуналари ўқувчилар фаолиятини оширади, мусиқий идрок этиш кўникмаларини ривожлантиради, мусиқа тили турли хусусиятларини англаш қобилиятларини чуқурлаштиради. Буларнинг ҳаммаси мусиқий идрок ва тассуротларни янада бойитишга, мусиқага хос бўлган ифодавий воситаларни онгли қабул этишга имкон яратади.

Мусиқа маданияти дарсларида Халқ мусиқа асбобларининг тарбиявий имкониятларидан кенг тарзда фойдаланиш жуда ҳам муҳимдир. Рубоб, ғижжак, дутор, чанг, доира ва бошқа миллий мусиқа асбобларининг турли-туман гўзал жаранглаши дарс мазмунини бойитади, ҳиссий жонланишни яратади, ўқувчиларда мусиқага бўлган қизиқишни, ижодий фаолликни кучайтиради, чунки мусиқа уларга қувонч ва роҳат бағишлайди. Мусиқа маданияти дарсларида миллий мусиқа асбобларидан фойдаланиш болаларга мусиқа санъатига мухаббат уйғотади, эстетик жиҳатдан тарбиялайди, мусиқий таассуротларини кенгайтиради, бадиий-эстетик дидларни шакллантиради ва ривожлантиради.

Ўзбек мусиқа маданияти қадимий ва бой меросга эга. Унинг мазмунида халқимизнинг миллий руҳияти, олий инсоний фазилатлари, бадиий маънавияти, истиқлол ва мустақиллик учун кураши ҳамда орзу-

умидлари инъикос этилади.

Бу буюк маънавиятимиз ёш авлоднинг маданиятини ва нафосатини шакллантиришда беназир воситадир.

Мактабда мусиқа маданияти дарсларида кўшиқ куйлаш орқали нафосат тарбиясининг мақсади ёш авлодни миллий мусиқа меросимизга ворислик қила оладиган ҳамда умумбашарий мусиқа бойлигини идрок эта оладиган гўзал табиатли инсон даражасида вояга етказишдан иборатдир. Бунда ўқувчилар мусиқа санъатини бутун нафосати билан ўрганишлари, оммавий мусиқа фаолиятлари - мусиқани бадиий идрок этиш, якка ва жамоавий тартибда кўшиқ куйлаш, рақс тушиш ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш мазкур мақсаднинг асосий омили ҳисобланади. Бунинг учун ҳар бир ўқувчининг мусиқавий иқтидорини ривожлантириш, мусиқа санъатига меҳр ва иштиёқини ошириш, мусиқадан зарур билим ва амалий малакалар доирасини таркиб топтириш; иқтидорли ўқувчиларнинг мусиқий ривожланишлари учун зарурий шарт-шароитлар яратиб бериш билан уларнинг бадиий эҳтиёжларини кондириш мактаб мусиқа таълим-тарбиясининг асосий вазифаси булиши лозим. Мазкур олий мақсад ва вазифани амалга оширишда мусиқа фанига ижтимоий ривожлантирувчи омил сифатида қараш, таълим мазмуни ва ўқитиш услубиятини такомиллаштиришда мусиқа таълимининг миллий анъанавий ва ҳозирги замон ютуқларига ҳамда илгор тажрибаларга ижодий таяниш мақсадга мувофикдир.

Кўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосат ҳиссиётларини тарбиялаш - ёш авлодда комил инсон фазилатларини таркиб топтириш назарда тутилади.

1.2. Қўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосат тарбиясини шакллантиришнинг ҳозирги аҳволи.

Юртбошимиз И. А. Каримов Тошкент давлат консерваторияси янги биносининг очилиши маросимида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек “Одамзод ёзиш чизишни, ўқишни билмаслиги мумкин лекин шубҳа йўқки гўзал куй , оҳанг ва тароналарнинг ҳаётбахш таъсирини ҳар қандай вазиятда ҳам сезади ” деган эди. Шунинг учун ҳам мусиқа ва оҳанг инсонга ҳамиша ҳамроҳ, унинг туйғуларига , рухиятига қанотдир. Умумтаълим мактаблари олдида ҳар томонлама ривожланган комил инсон тарбиясини амалга ошириш маъсулияти қўйилар экан, бу вазифани муваффақиятли амалга оширишда мактаб мусиқа маданияти дарслари жараёнида ўрганиладиган ўзбек халқ қўшиқлари яъни мусиқа санъатининг ўрнини унутмаслигимиз лозим. Халқ донишмандлигининг гўзал кўриниши бўлган ўзбек мусиқа мероси ёшлар дунёқарашида муҳим тарбия сифатида мактабларда ўргатилмоқда.

Баркамол авлод тарбиясида санъатнинг, хусусан мусиқа санъатининг тутган ўрни бекиёс. Мусиқа – ўз табиятига кўра жон озиғи, қалб кўри, хиссий ва руҳий кечинмалар уйғотувчи, қобилият, ижод ва нозик дид тарбияловчи кучли восита. Мусиқанинг ана шу ўткир тарбиявий кучидан фойдаланиш, санъат воситасида ўқувчи ёшларнинг нафосат дунёсини ўстириш, уларда юксак маънавий- ахлоқий сифатларни тарбиялаш вазифаси умумтаълим мактаблари зиммасига юклатилгандир.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, маънавий йўналишларини ривожлантиришда ва демократик, жамиятини қуришда халқ таълими тизимини такомиллаштириш, айниқса, мусиқий таълим босқичи иш фаолиятини юқори даражага кўтариш муҳим аҳамият касб этади. Чунки келажакимизнинг тақдири ҳозирги кунда мусиқий таълим

босқичи мактабларида илм олаётган ўқувчиларнинг тарбиясига боғлиқдир.

Ҳақиқатдан ҳам, кўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларнинг нафосат тарбиясини, ақл-идроқини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялаш истиқлол талабидир. Бунинг учун аввало ўқитувчининг ўзи ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак. Бу унинг зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Демак, бугунги ўқитувчи-таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, таълим-тарбия жараёнини жаҳон ривожланган таълим даражасига кўтаришда фаол иштирок этиши билан бирга ўқувчилар қалби ва онгида ижобий ҳислатларни шакллантириши муҳим аҳамиятга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқувчи ёшларда нафосат тарбияси дастлаб оилада, болалар боғчаларида, мусиқий тадбирларда, бадий кечаларда шаклланади. Таълимнинг пойдевори қанчалик мустаҳкам бўлса, ўқувчининг ахлоқий сифатларга оид дунёқараши шунчалик ривожланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримов «...боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган ижобий ишлар ва эзгуликни тараннум этувчи мусиқа санъати ёрдамида тарбия бериш учун энг етук, энг тажрибали мураббийлар бириктириб қўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади.

Ўқувчи ёшларда қандай усулда ва услубда миллий кадриятларимиз, урф-одатларимизни ўргатишимиз, чуқур англантишимиз керак?» деган саволлар билан ўқитувчилар, олимларнинг фикрини бир қанча муаммоларни ечимига қаратган эди.

Шундай экан, мусиқий таълим мазмунини такомиллаштириш билан бирга унинг шахс камолотидаги аҳамиятини ривожлантириш, ўқувчиларни кўшиқ куйлаш орқали нафосатни тарбиялаш, айниқса

уларда эзгу хислатларни шакллантириш баркамол авлодни вояга етказишнинг бош объекти ҳисобланади. Қўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосат тарбиясини бериш ишидаги етакчилик хусусияти мактаб мусиқа маданияти дарсларида ўтиладиган кўшиқларда, лапарларда, достонларда ўз аксини топган: “Таълим тўғрисидаги” қонуннинг 5-моддасида: “..юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга”,- дейилади. Ўқитувчининг нафақат билимдонлиги ва касб маҳоратига эгаллиги, балки шахс сифатидаги маънавий қиёфаси ҳам давлат аҳамиятига молик муҳим масаладир. Мактаб ўқитувчиси мактаблардаги барча ўқитувчилардан тарбиявий таъсир кучининг юксаклиги билан ажралиб туради. Чунки мактаб ўқитувчиси мактабнинг виждони. Мактаб муаллими ахлоқсиз бўлиши мумкин эмас. Мактаб ўқитувчисидаги ҳамма нарса: табассум ҳам, қаттиққўллик ҳам, вазминлик ҳам, камтарлик ҳам, муомала ҳам, самимият ва одамшавандалик ҳам, турмушга, табиатга, кишиларга муносабат ҳам мафтун этадиган бўлиши лозим. Негаки, устознинг маънавий сифатлари, шогирдларнинг ўз шахсиятини, характерини шакллантиришда ўрناق оладиган энг асосий манбасидир. Ўқувчиларда нафосатни, гўзалликни шакллантиришдек юксак мақсадга интилаётган таълим яхшилик ва инсонпарварлик шароитидагина унга эриша олади.

Нафосатли, гўзал фазилатли ўқитувчи шахсан ташкил этган педагогик жараён ғамхўрлик, раҳмдиллик, меҳрибонлик, хайрихоҳлик, ютуқ ва қувончдан, ҳар бир ўқувчининг кадр-қиммати қарор топишидан иборат бўлиши лозим. Бундай муносабат жамиятнинг, янгиланган педагогиканинг талаби бўлиб ёшларнинг қобилият нишонларининг рўёбга чиқиши ва шахсиятининг бир бутун бўлиб шаклланишига кўмак беради.

Устоз шогирдларининг фаолликларини, интилувчанлигини, қизиқувчанлигини, яхши фазилатларга эга бўлиб бораётганлигини рағбатлантириб, бу ишда ёрдам бериб борсагина нафосатни, эстетик

дидни шакллантириш жараёнининг самараси юксалиб боради. Ўқитувчи ўқувчилар билан машғулот жараёнида ҳамкорлик яратмаса, ўртоқлик руҳини ўрнатмаса, энг замонавий техник воситалар ва ноанъанавий усуллар ҳам самарасиз бўлиб қолаверади. Мактаб дарси учун ўқитувчи шахсидан муҳимроқ техник восита ҳам, янги усул ҳам, мукамал дарслик ҳам йўқ. Ўқувчилар қалбига фидойи, эзгу ниятли ўқитувчи сайқал бера олади. Чунки мактаб мусиқа маданияти дарсларида кўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосат тарбиясини бойитиш машғулотиدير.

Ўқитувчи ўз ўқувчиларга муносабатда сохталик бўлмаслиги керак. Ўқитувчи муомалада кўпол, сўзлари дағал, ўзини тутолмайдиган бўлса, у ўқувчилар қалбида нафосат, гўзаллик уруғини соча олмайди. Ўз обрў-эътибори билан танилган мактаб муаллимигина ўқувчиларнинг ибратли кишисига айлана олади. Севилган мураббийнинг дарси завқ-шавққа тўла, мароқли, тарбиявий таъсир кучи юқори бўлган лаҳзалардир.

Ўқитувчи шахсига эътибор қаратилса, уларни касбга тайёрлашда маънавий сифатлари ҳам бойитилса, амалий фаолияти самарали бўлади. Мактаб ўқитувчиси аввало етук инсонлик даражасига кўтарилган зот, фикри хур, руҳияти озод баркамол шахс. Мустақил, касб маҳоратини чуқур эгаллаган инсонгина, етук мактаб ўқитувчи сифатида обрў қозона олади. Ўзидаги фазилатларни характерга айлантиролмаган, ўзлигига эга бўлмаган шахс бошқаларни на эргаштира олади, на тарбиялай олади. Ўқувчи ўз устозидан ўрнак оларли инсон қиёфасини кўрмаса, эзгу фазилатларини сезмаса унинг фаолияти самарали бўлиши мумкин эмас.

П.БОБ. Қўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосатни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари.

2.1 Қўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосатни шакллантириш усуллари.

Баркамол авлод тарбиясида санъатнинг, хусусан мусиқа санъатининг тутган ўрни беқиёс. Мусиқа - ўз табиатига кўра жон озиғи, қалб кўри, хиссий ва руҳий кечинмалар уйғотувчи, қобилият, ижод ва нозик дид тарбияловчи кучли восита. Мусиқанинг ана шу ўткир тарбиявий кучидан фойдаланиш, санъат воситасида ўқувчи ёшларнинг нафосат дунёсини ўстириш, уларда юксак маънавий- ахлоқий сифатларни тарбиялаш вазифаси умумтаълим мактаблари зиммасига юклатилгандир.

«Мусиқа маданияти» дарслари умумтаълим мактабларининг 1-7-синфларида ўқитилади. 1999 йилда ишлаб чиқилган ва мактаб амалиётига киритилган дастурнинг “Ўқитиш хати”да кўрсатилишича, унинг асосий моҳияти куйидагилар билан белгиланади: аввало, дарсларнинг муайян мавзулари, ҳар бир чорак учун белгиланган бош мавзулардан келиб чиқади ва сабоқ чоғида мусиқанинг муайян моҳиятини тушунишга ёрдам беради. Иккинчидан, мусиқа тинглаш, қўшиқ куйлаш, мусиқа саводи машғулоти дарснинг мустақил қисми эмас, балки дарс мавзусини очиб берувчи мусиқа фаолияти сифатида қабул этилади. Учунчидан, дарс мавзусининг қизиқарли бўлиши ва таълим самарадорлигини ошириш мақсадида рақс ва мусиқали ритмик ҳаракатлар, чапак ва болалар чолғу асбоблари – шикилдоқ, доирача, қошиқ ва бошқаларда мусиқага жўр бўлиши ҳамда мусиқа ижодкорлиги каби янги мусиқа фаолиятлари қўлланилади. Ушбу фаолиятлар замирида ўйин хусусиятлари мавжудлиги туфайли улар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Иккинчи синф “Мусиқа маданияти” дарсларида йил мавзуси “Якканавозлик, жўрнавозлик, жўрсозлик” деб белгиланган. Ўқитувчи ўқув йили давомида мазкур мавзунини ёритар экан, авваломбор ўқувчилар эътиборини умуман мусиқа санъатини, айниқса, ўзбек миллий

мусиқамизнинг гўзаллигига, унинг оҳанглари ва усулларининг дилкашлигига, шакл ва мазмун жиҳатидан ранг – баранг ва ёқимлилигига тортади. Тингланаётган ва бевосита ижро этилаётган куй ва қўшиқларни уйғунлик, диловарлик ва нафосатни илғашга ундайди. Дастурдан ўрин олган кўплаб қўшиқлар қатори А. Орипов шеъри , М.Бурханов мусиқаси билан ижро этиладиган “Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси” ни тинглаш ва ижро этиш ўқувчиларда катта ҳиссиёт, кўтаринки руҳ уйғотади. Мадҳия ўқувчилар томонидан синфда тик туриб, яхши қайфият билан мағрур куйланади. Ўқитувчилар ўқувчилар эътиборини мусиқанинг улуғворлигига, асардаги сўз ва оҳангнинг муштарақлигига тортади. “Серкӯёш хур ўлкам элга бахт, нажот”, “дўстларга йўлдош, меҳрибон”, “Шухратинг порласин токи бор жаҳон” , “Бағри кенг ўзбекнинг”, “Истиклол машъали”, “Халқ севар, она юрт” каби муҳим сўз ва сатрларни моҳият - мазмунини чуқур англашларига, қалб ила ҳис этишларига ёрдам беради. Ўқувчилар қўшиқда озод ва обод Ватанимиз – серкӯёш хур ўлка эканлигини, Ватанимизда ҳар бир киши хур ва озод яшаб, ўз бахт саодатига эришиши учун барча имкониятлар мавжуд эканлигини, Ўзбекистон – олтин водийлар юрти эканлигини, ўзининг куч қудрати, бойликлари ва юксак шижоати билан оламни маҳлиё айлаган диёр эканлигини тушунадилар.

Мусиқа дарслари – ўз табияти билан гўзаллик ва нафосат дарслари, демакки, ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитишга самарали хизмат қиладиган дарслар. Бинобарин, ҳар бир дарс ўз мазмуни билан, куйлаш ва тинглаш учун оқилона танланган асарлар репертуари билан, дарсда таълим ва тарбия муштарақлигига эришиш учун қўлланадиган самарали услуб воситалар билан ва ниҳоят, санъат орқали ўқувчи ёшларни нафосат дунёсига етакловчи, маънавий камолат сари эргаштирувчи устознинг астойдил сайъи ҳаракатлари билан амалга оширилсагина, ҳеч шубҳа йўқки, ўз олдига қўйган мақсадига эришади.

Халқимизнинг миллий мусиқа санъати ниҳоятда қадимий ва бой мусиқий меросга эга. Бу мусиқий меросимизни биз атрофлича билишимиз,

Ўрганишимиз ва келажак авлодга етказишимиз керак. Чунки унинг асосида ўзбек халқининг миллий руҳияти, олий инсоний фазилатлари, бадиий маданияти мустақиллик учун кураши, истиқлол ғоялари ётади.

Мактаб мусиқа маданияти дарсларининг асосий мақсади ёш авлодни ушбу меросга ворислик қила оладиган ҳамда умумбашарий мусиқа бойлигини идрок эта оладиган маданиятли инсон даражасига етказишдан иборатдир.

Пойдевор мустаҳкам бўлсагина қурилган иморат асрлар оша қад кўтариб туради. Шундай экан, биз ўқувчиларда мусиқий оҳанглар, фольклор кўшиқлари орқали нафосат тарбиясини шакллантиришимиз мумкин.

«Хай ёр – ёр айлансин»

Баҳор келди боғимга хай ёр – ёр айлансин,
Совға саломи билан хай ёр – ёр айлансин,
Қадами халққа ёқсин хай ёр – ёр айлансин,
Қут барака йил билан хай ёр – ёр айлансин,

Ёмғир – ёмғир кўп бўлсин хай ёр – ёр айлансин,
Қурғоқчилик йўқ бўлсин хай ёр – ёр айлансин,
Элимиз ҳирмонида ҳосилимиз мўл бўлсин
Хай ёр – ёр айлансин, хай ёр – ёр айлансин,

Сирдарёнинг йўлида хай ёр – ёр айлансин,
Хосилдорлик мўл бўлсин хай ёр – ёр айлансин,
Элимиз ҳирмонида ҳосилимиз мол бўлсин
Хай ёр – ёр айлансин, хай ёр – ёр айлансин.

Фольклор орқали қанчадан-қанча йўқолиб кетган урф-одат ва ўйинларимиз, анъаналаримиз ҳамда маросимларимиз юртимиз келажаги бўлган ёш авлодлар хотирасида қайтадан тикланмоқда.

Умумтаълим мактаблари олдига ҳар томонлама ривожланган комил инсон тарбиясини амалга ошириш маъсулияти қўйилар экан, бу вазифани муваффақиятли амалга оширишда мактаб мусиқа дарслари жараёнида ўрганиладиган ўзбек халқ қўшиқлари яъни халқ мусиқа санъатининг ўрнини унутмаслигимиз лозим.

2.2.Мақтаб ва синфдан ташқари шароитда нафосат тарбиясини шакллантириш. Тажриба- синов натижалари.

Қўшиқ куйлаш орқали ўқувчиларда нафосат тарбиясини мактабдан ташқарида фаолият кўрсатаётган жамоаларда амалга оширишни аввало оиладан ва мактабгача таълим муассасаларидан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида муסיкий тарбиянинг нақадар улкан омил эканлиги янада аниқ бўлиб бормоқда. Шундай экан, ёш авлодни бой муסיкий меросимизни ўрганишга, енгил елпи, тушунарсиз оҳанглардан қочиб, уларнинг нафосатини, маданиятини, маънавий дунёсини кенгайтиришга бор эътиборимизни қаратишимиз зарур.

Қўшиқ куйлаш асосида тарбия бериш учун қатъий дастурлар ишлаб чиқиш зарур. Ёшларимизнинг миллий муסיқамиз орқали нафосатини тарбиялаш малакаларини шакллантириш, унга нисбатан меҳр – муҳаббатларини шакллантириш ишлари синф ва мактабдан ташқари шароитда ҳар ҳил тадбирлар, сеvimли санъаткорлар билан ижодий учрашувлар ўтказиш фойдадан ҳоли эмас. Ёшларни маънавий ҳордиқ олишлари учун театр ва киноларга боришлари фикримиз далилидир. Ўзбек муסיқасининг бой муסיкий мероси бор, бу бойликни ўрганиш болаларни миллий маданий руҳда тарбиялашга имкон беради. Халқимиз меҳнати жараёнида халқ қўшиқлари, мумтоз қўшиқлар, лапарлар, фольклор қўшиқлари рақсларга бой бўлиб, улар халқимиз ёшларимиз маданиятини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Демак, қўшиқ ва куй ўсиб келаётган ёшларнинг ҳис туйғуларига ўз таъсирини бошқа ҳар қандай воситадан ҳам кучлироқ таъсир эта олиш хусусиятига эга бўлиб, у ёшлар кайфиятини кўтариш, унга гўзаллик, нафосат туйғуларини, дадиллик ва бошқа барча хисларни олиб кириш

хусусиятига эгадир. Бу эса ўқувчиларда эстетик дидни, қобилият ва ижодкорлик каби сифатлар ўсиб боришига ёрдам беради.

Мактаб мусиқа маданияти дарслари ўз табиати билан гўзаллик ва нафосат дарслари, ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитишга самарали хизмат қиладиган дарс. Ҳар бир дарс ўз мазмуни билан куйлаш ва тинглаш учун оқилона танланган асарлар репертуари билан, дарсда таълим ва тарбия муштараклигига эришиш учун қўйиладиган самарали услуб ва воситалар билан ва ниҳоят санъат орқали ўқувчи ёшларни нафосат оламига етакловчи, маънавий камолат сари эргаштирувчи устознинг астойдил сайи ҳаракати билангина амалга оширилсагина, ўз олдига қўйган мақсадга эришади.

Ўқувчиларнинг бўш вақтида бирор севимли санъаткорнинг ҳаёти ва ижоди кечасини ёки “Барҳаёт наволар” викториналарининг ўтказилиш лозим. Бу ҳол нафақат уларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказиш, балки нафосат тарбияси ҳам ривожланиб боради. Ҳозирги кунда техника ривожланган вақтда юртимизга ҳар хил мусиқа тинглаш асбоблари мавжуд. Улар орқали ўқувчилар чет элнинг тушунарсиз, олди қочди куй ва қўшиқларидан тинглашига йўл қўймаслик керак. Балки элимиз ардоқлаб келаётган миллий меросларимиздан, халқ оғзаки ижодидан, қолаверса чет эл композиторлари яратган асарларини тинглашлари зарурлигини ҳар вақт, ҳар доим эслатиб туришимиз керак. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавиятини, нафосатини шакллантиришда қўшиқ куйлаш фаолияти ҳам катта аҳамият касб этади. Демак, синф ва мактабдан ташқари шароитда қўшиқ куйлаш орқали нафосат тарбиясини шакллантиришни оиладан ва мактабгача таълим муассасаларидан бошлаш ҳар томонлама эътиборга моликдир.

Мен тадқиқот ишимни Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридаги ХТБ га қарашли № 2-умумтаълим мактабида 6-“а” синф ўқувчилари билан бирга амалга оширдим. Тажриба - синов ишларини амалга оширишда менга мусиқа ўқитувчиси Фарҳод Суёнов яқиндан ёрдам берди. Амалиёт раҳбарим ҳам керакли маслаҳат ва кўникмалар бериб борди. Дарс ўтиш мобайнида

Ватан, ота –она, кушлар, гуллар ва хар хил мавзудаги кўшиқлардан, ўзбек халқ куйларидан фойдаландим. Тажриба синов жараёнида тарбиявий тадбир ва бир неча очик дарслар ўтдим. Тарбиявий тадбиримга тадқиқот мавзуимдан келиб чиқиб гўзал диёримизни мадҳ этиш мақсадида **“Ўзбекистон-менинг ватаним”** мавзусини танладик.

Муסיқий тарбиявий тадбир

Мавзу: “Ўзбекистон – Ватаним маним ”.

Дарсинг мақсади:

1. Ўзбекистон бизнинг муқаддас ва мустақил Ватанимиз эканлигини тушунтириш.
2. Мустақил республикамиз таркиби билан таништириш.
3. Ўзбекистоннинг буюк сиймолари – Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Абу-Али ибн Сино, Амур Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк алломалари билан таништириш.
4. Ўзбекистоннинг мадҳияси, герби, байроғининг таҳлилини ўрганиш.
5. Ўқувчиларнинг шеър ёдлаш, кўшиқ айтиш малакаларини такомиллаштириш.

Дарсинг методи: Аралаш.

Дарсинг жихози: Плакатлар, расмлар, мақол ва ҳикматли сўзлар ва рағбатлантирувчи карточкалар. Ўзбекистон Республикасининг герби , байроғи , мадҳияси сўзлари ёзилган қоғоз , Ўзбекистон харитаси ва буюк алломаларимизнинг расмлари қўйилган буклет.

Дарсинг бориши: Синфхона, ўқувчилар тадбирга шай туради.

Ўқитувчи: Салом, болажонлар!

Ўқувчилар: Ассалому алайкум.

Ўқитувчи: Синфда бугун ким навбатчи?

Ўқувчи: Мен навбатчи.

Ўқитувчи: дарсга кимлар келмади?

Ўқувчи: ҳамма бор.

Ўқитувчи: Азиз болажонлар: бугун биз сизлар билан” Ўзбекистон - менинг Ватаним” номли мавзу юзасидан дарс ўтамиз.Биз бу дарсда Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари билан танишамиз. Ўзбекистон Республикасининг мадҳияси, герби, байроғи ҳақида суҳбатлашамиз. Ўзбекистоннинг тарихий алломалари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Азиз ўқувчилар, ҳар бир кишининг киндик қони тўкилган ер унинг Ватани ҳисобланади. Ватан остонадан бошланади.

Инсон учун ҳаво, қуёш, сув, ота-она қанчалик азиз ва муқаддас бўлса, она Ватанимиз ҳам шунчалар мўътабардир.Биз Ватанни севмоқни , ардоқламоқни доно боболаримизнинг ўғитларидан ўрганмоғимиз керак. Инсон учун Ватандан ортиқ меҳригиё борми ? Йўқ , албатта !

Ватан она каби ягонадир, ягоналиги билан муқаддас ва бебаҳодир.

Мана азиз болажонлар Ватанимизга ҳам тариф бериб ўтдик.Демак, биз Ватанимиз ҳақида қанча кўп сўз юритсак шунчалик камлик қилар экан. Ўқувчилар демак Ўзбекистон Республикаси 1991- йилдан бошлаб ўзининг мустақиллигига эришди, бизлар бундан фахрланиб юрсак арзийди.

- Хўш,азиз ўқувчилар бизнинг давлат мадҳиямиз кимнинг шеърига ва кимнинг мусиқасига мансуб экан.

- А. Орипов шеъри , М.Бурҳонов мусиқаси. Жуда ҳам тўғри , ана энди биз сизлар билан биргаликда Ватанимиз Ўзбекистон ҳақида карточкалар орқали савол- жавоблар ўтказамиз. Мана сизлар 3 гуруҳга бўлингансизлар. I- II-III гуруҳларга . Ҳозир даврага I- гуруҳдан 3 кишини доскага таклиф қиламиз, марҳамат ҳоҳлаганлар чиқсин.

1 Ватан – нима?

Ватан биз туғилиб ўсган уйимиз маҳаламиз ва буюк диёримиздир.

2 Сиз қйси Республикада яшайсиз?

Биз мустақил Ўзбекистон Республикасида яшаймиз.

3 . Ўзбекистон Республикасининг маркази қайси шаҳар?

Ўзбекистоннинг маркази - Тошкент шаҳри.

4. Тошкентда неча ҳил миллат яшайди ?

Бегзод : Чамбаракка ўралган,
 Водий узра қуёш бор.
 Хурлигимизнинг рамзи,
 Хумо деган қуши бор.

Зебо : Байроғи бор, герби бор.
 Эрксевар Ўзбекистон.
 Мадҳиянгни куйлайман,
 Жонажон ўзбекистон.

Самандар : Байроғимда мовий ранг,
 Самодан берар дарак.
 Оқ рангига доимо .
 Яхшиликдир муштарак.

Шахло : Яшил рангги ҳаётдир.
 Ҳам яшнаган табиат.
 Қип қизил чизиғида.
 Яшнаган яхши ният.

Абдувоҳид : Осмон тўла юлдузлар.
 Байроғимизда белги.
 Ой истиқлол нишони,
 Мустақилликка белги.

Раҳмат, азиз ўқувчилар, сизларнинг жавобларингдан мен қониқиш ҳосил қилдим. Сизлар герб ва байроқни жуда ҳам чиройли таърифлаб бердингиз.

- Ким энди менга айтиб беради, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ким бўлганини? Биз биламизки З.М.Бобур киндик қони тўкилган Ватанидан йироқда яшашга мажбур бўлади. Ватан соғинчи , дийдори уни бир умр тарк этмайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Ватан соғинчи ҳақида :

сахна кўриниш.

Бобур ва 4 та вазир ўтирибди . Бобур хаёлга чўмиб хафа кўринишда ўтирарди.

Вазир : Шоҳим нечук хафа кўринадурсиз, сизни нима безовта қилмоқда?

Бобур : Хўрсиниб деди – эҳ вазири олам билсангиз эди қалбимда не аланга ёнаётганини, бу чўғ юрагимни парчаламоқда.

Вазир : Юрагингиздаги бу аланга боиси недур шоҳим. Сир бўлмаса айтинг чорасини топадурмен.

Бобур : У шунчалик мен учун азизки унинг бир кафт тупроғи учун мен жонимни фидо қилишга тайёрман. Унинг ҳавоси ҳали ҳамон димоғимдан кетмайди. Гўзаллиги-ю чиройини ҳеч бир нарсага қиёс этолмайман. Унга бўлган соғинчим қалбимни тилкаламоқда.

Вазир : Шоҳим муборак бўлсин, қай гулга кўнгил қўйдингиз. Буюринг бир оғиз сўзингиз, қошингизга келтирурмен ул гулни.

Бобур : Эй вазири олам сиз мени нотўғри тушунибсиз бу аланга, бу чўғ ёрга муҳаббат эмас, она Ватаним Андижонга бўлган соғинчим эди. Энг сўнги лаҳзаларимда унинг тупроғида жон берсам ҳам розиман.

Чархининг мен кўрмаган жабру- жафоси қолдим.

Ҳаста кўнглим чекмаган дарду балоси қолдим.

Мени хор этди-ю қилди мудданга парварिश.

Дахридун парварнинг ўзга муддаоси қолдим.

Мени ўлтурди, жафо жабр бирла ул қуёш.

Эмди тургузмак учун меҳру- вафоси қолдим.

Демак, азиз ўқувчилар биз бу сахна кўриниш орқали шундай хулосага келишимиз мумкинки, инсон ҳеч қачон ўз Ватанидан йироқда роҳат фароғатда яшолмас экан. Ахир бежиз доно халқимиз айтмаган” Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл”. Қани азиз болажонлар сизлар Ватан ҳақида қандай куй ва қўшиқлар биласизлар. Марҳамат, бизга айтиб беринг, эшитамиз.

В а т а н а з и з д и р .

Дунёда Ватандан азизроқ не бор
Не мавжуд Ватандан гўзал улуғвор.
Ватандир ҳаётнинг кўрки, гултожи.
Яшамоқ маъноси умр ривожи.

Нақорат.

Одамлар авайланг бир-бирингизни,
Асрангиз келажак тақдирингизни.
Юракдан юракка нур ёғсин фақат.
Ватанга бахшида меҳру-муҳаббат.

Билингки. Ҳаётда ҳар битта одам.
Ватандан кўнгилга олгайдир малҳам.
Эл юрт тақдирдан бўлингиз огоҳ
Ким огоҳ бўлгайдур, севгайдур Оллоҳ.

Нақорат.

Одамлар авайланг бир-бирингизни,
Асрангиз келажак тақдирингизни.
Юракдан юракка нур ёғсин фақат.
Ватанга бахшида меҳру-муҳаббат.

Ўқитувчи : Фаол ўқувчиларга рағбат карточкаларини беради.

Тарбиявий тадбир якуни:

Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир! “Ватан меҳри” ва “Ватан соғинчи” каби муборак сўзларнинг маъносига етиш, ҳис қилиш учун ҳар бола астойдил яхши ўқиши керак. Ватанга содиқ фарзанд бўлиш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Шу билан тарбиявий тадбиримизни тугатамиз.

Хайр, соғ - саломат бўлинглар.

1 – соатлик дарс сценариси.

Синф -6^a

Мавзу ; “Баҳор элчилари хақида кўшиқлар”.

Дарсинг мақсади;

- Ўқувчиларга баҳор фасли хақида тушинча бериш.
- Ўқувчиларда мусиқа тинглаш ва жамоа бўлиб куйлаш орқали қобилиятларини шакллантириш.
- Ўқувчиларнинг мусиқий қобилиятини ривожлантириш.

Дарсинг методи; Аралаш.

Дарсинг жиҳози;

- 6 -синф мусиқа дарслиги , фортепиано, кўшимча материаллар.
- Мусиқа саводига оид тасвирий санъат иллюстратив кўргазмалар.
- Плакатлар, расмлар.
- Ўқувчиларни рағбатлантирувчи карточкалар.

Дарсинг бориши; Ўқувчиларнинг дарсга келиши, саломлашиш, давомат, овоз машқларини ўтказиш ва уйга вазифа.

Ўқитувчи:Қани ким айтади, уйга вазифа нима берилган эди?

Ўқувчилар:Уйга вазифа “Булбулча” кўшиғи берилган ?

(саҳнага ўқувчилар чиқишади ва кўшиқни ижро этишади.)

“Булбулча”

- М.Қўчқоров шеъри М. Насимов мусиқаси.

-

Ўзинг кичкина овозинг яхши.

Қани, булбулчам, бир сайраб берчи

Майли ўртоқжон,майли сайрайман.

Кўм - кўк боғингда учуб яйрайман.

Ширин булбулчам куйлайвер чак - чак

Тинглаб кўшиғинг диллар хушчакчак.

Меҳнат қилибсан , экибсан гуллар.

Гулни севамиз бизлар булбуллар.

Ўқитувчи: Булбул билан тўрғай ҳақидаги ривоятни тингланг.

Тўрғай аслида сўфи экан. Бир пайтлар Худога шак келтиргани учун Тўрғайга айлантирилган экан. Тўрғай, Булбул аслида одам зотидан бўлиб, бир бирлари билан Қалин дўст, ошна оғайни экан.Худои таоло уларни қўшиқ айттириб, мусобақа қилдирибди. “Кимда - ким кўп ва хўп куй ва қўшиқ айтса, эл орасида қолади, куй қўшиғини боғу - роғларда айтадиган бўлади, енгилгани чўлу-биёбонларга чикиб кетиб, у ерда бўзлаб ўтади. ” , - дебди у.

Шундан кейин Булбул билан Тўрғай навбатма - навбат куй куйлаб, қўшиқ айта бошлашибди. Булбул минг битгага етказибди. Тўрғай бўлса минггага етказибди.

Шунда Худои таоло: Булбул, сенинг маконинг шу ерда, одамлар орасида бўлсин, гўзал боғ - роғларда куйлаб юравер. Тўрғай, сенинг маконинг эса чўл бўлсин, то машҳар кунгача у ерларда бўзлаб юравергин. – дебди.

Шу-шу Булбул гуллар орасида, боғ- роғлар ичида ишқ -муҳаббат, вафо ва садоқатдан куйласа, Тўрғай чўлу -биёбонларда алаמידан бўзлагани - бўзлаган эмиш.

Янги мавзу: «Баҳор элчилари ҳақида қўшиқ» .

Маълумки, халқимиз қадимдан лайлак, турна, қалдирғоч каби қушларни баҳор элчилари сифатида эъзозлаб келганлар. Чунки бу қушларнинг учуб келиши яхши кунлардан “дарак” берган. Масалан, эрта баҳорда лайлакни кўриш бахтдан нишона дейилса, лайлак учиб келган томондан кўринган одам қишлоққа қут барака келтиради деб эътиқод қилганлар.Чунончи, барвақт учиб келган турна эрта баҳорни даракласа, пастлаб учган турна риск рўз унумли бўлишини англаган.ва ҳ.к.

Арғамчи.

Ўзбек халқ қўшиғи.

Арғамчи, гиламчи, арғамчи, гиламчи.

Турна десам турумли, кенг далага қўнимли.

Турналар учса пастлаб, рискинг бўлар унумли.

Арғамчи, гиламчи, арғамчи, гиламчи.

Болалар кушларнинг учуб келишини интизорлик билан кутишган. Чунки кушлар иссиқ кунлар бошланишининг “хабарчиси” ҳамдир. Шу боис, масалан, Лайлак учиб келганини кўрган болалар “Лайлак келди” қўшиғини куйлаган ва бу ҳақда катталарни ҳам хабардор этишга ошиққанлар:

Лайлак келди, ёз бўлди.

Қаноти қоғоз бўлди.

Дала- даштлар кулф уриб.

Дарё бўйи соз бўлди.

ЎҚИТУВЧИ: Болажонлар, энди бу асарларни куйга соламиз, ноталарга қаранг. Доскага ноталар ёзилган плакатлар ва расмлар осилади. Қўшиқни жумла ва даврияларга бўлиб ўргатади.

Муסיқа саводи;

- Ўқувчилар бугун сизлар билан мажор ва минор товуш қаторлари ҳақидаги билимингизни мустаҳкамлаймиз.(кўргазмалиқуроллардан фойдаланиб,мажор ва минор товушқаторлари ҳақида болалар билан савол – жавоб ўтказилади.)

Муסיқа тинглаш. “Норим - норим” Хоразм халқ куйи.

Куй ҳақида маълумот беради. “Норим - норим” куйини техника воситаси орқали ўқувчиларга эшиттиради.

“Норим - норим” қадимий ва навқирон Хоразм халқининг севимли ва таниқли куйидир.Куйнинг яратувчиси ҳам халқдир. Куй бошида оғирроқ темпда сўнгра аста тезлашиб боради.Куй жуда ёқимли ва ўйинқароқ, тезда эслаб қолса бўлади.Ўқитувчи куйни қайта ва қайта эшиттиради.

Муסיқа тинглаш жараёнида уларнинг ҳис – туйғуларига таъсир этиш орқали нафосат тарбиясини ривожлантиради. Демак, кўшиқ айтиш ва муסיқа тинглаш ўқувчиларнинг нафосат тарбиясини шакллантиришга катта хисса кўшади.

Дарс якуни: Ўқитувчи дарсга фаол катнашган ўқувчиларни рангли карточкалар билан рағбатлантиради.

Уйга вазифа: Янги ўрганган мавзунини ўрганиб ёдлаб келиш.

Дарс тугади. Хайр, азиз болажонлар.

Муסיқа тинглаш учун асарлардан намуналар.

1. “Ўзбекистон – она, онажон” Аваз мансуров куйи.
2. “Қари наво” ўзбек халқ куйи.
3. “Лазги ” Хоразм халқ куйи.
4. “Андижон полкаси” халқ куйи
5. “Шодлик ” М.Мирзаев куйи
6. “Фарғонача” ўзбек халқ куйи
7. “Ухлаб турдим” Ф. Назаров куйи.
8. “Ота оналарга” Ғ. Қодиров куйи.
9. “Баҳор” Ик. Акбаров куйи.
10. “Гулбаҳор” Ўзбек халқ куйи.
11. “Гул терамиз” Ик. Акбаров куйи.
12. “Наврўзим шўх созим” Н. Норхўжаев куйи.
13. “Дакан хўроз” А. Мансуров куйи.
14. “Гулхан” Д. Зоктров куйи.

15. “Ҳақкалар” Н. Норхўжаев куйи.
16. “Ватанжоним ватаним” Д. Омонуллаева куйи.
17. “Мунажжим бобом” Н. Норхўжаев куйи.
18. “Илм истанг” Муҳаммад Отажонов куйи
19. В. Моцарт (40 – симфонияси.)
20. Л. В. Бетховен “Қаҳрамонлик” 3- симфонияси.
21. Ф. Шопен. “Мазурка”.
22. “Ўзбекистон – жаннат ” Хуршида Хасанова куйи.
23. “Ўзбегимдан айланай” Г. Қўчқорова куйи.
24. “Бу даглар назли даглар” Турк халқ кўшиғи.
25. “ Гизил гул” Азарбайжон халқ кўшиғи.
26. “Зоҳре жан” Туркман халқ кўшиғи.
27. “Шур” Эрон халқ куйи.
28. “Рага кажри” Ҳинд халқ куйи.
29. “Корўғли султон” Қозоқ халқ куйи.
30. “Манас” Қирғиз халқ куйи.
31. “Норим норим” ўзбек халқ куйи.

УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР.

Битирув малакавий ишимизнинг мазмунидан келиб чиккан ҳолда мактаб ўқувчилари билан ишлайдиган барча мусиқа маданияти фани мутахассисларига бир канча услубий тавсиялар беришни лозим топдик.

1. Мусиқа маданияти машғулотларига жалб этилган ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, дунёкараши ва билим даражаларига мос бўлган, уларда эстетик дид, нафосат, ватанпарварлик, мардлик, ҳалқпарварлик каби инсоний эзгу фазилатларни ўстиришга ҳизмат қиладиган шеърлар танлаш, куй – кўшиқлар яратиш, қўлланмалар тайёрлаш.

2. Танланган мусиқий асарларнинг тарбиявий аҳамиятини белгилайдиган, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини аниқлайдиган мезонларни ишлаб чиқиш.

3. Мусиқа маданияти машғулотларида ўқувчиларнинг куйлаш сарадорлигини ошириш борасида дарснинг замонавий педагогик технологияларга асосланган намунали лойиҳасини методик тавсия сифатида чоп эттириш.

4. Мусиқа маданияти фани буйича тугараклар ташкил этиш ва уларга аъзо бўлиб, ҳар бир синфга мўлжалланган мавзулар ва асарлар рўйхатини ишлаб чиқиш.

Умумий хулосалар

Нафосат тарбиясини амалга ошириш узлуксиз таълим тизимининг асосий вазифаси эканлиги ва бу вазифанинг ҳозирги кунда долзарб масалага айланганлиги ҳамда олиб борган тадқиқотимиз натижаларидан келиб чиқиб, куйидагича хулосаларга келинди.

-Мусиқа маданият дарсларида кўшиқ куйлаш орқали нафосаи тарбиясини шакллантириш ишларини амалга ошириш унинг таркибий қисмлари билан

хамкорликда тизимли равишда олиб бориш;

Нафосат тарбиясини шакллантириш ишларини олиб боришда илмий асосланган педагогик тадқиқотлар натижаларидан амалиётда кенг фойдаланишни йўлга қўйиш;

-Ўқувчиларда нафосатни шакллантиришдаги ўқув-тарбия вазифаларини аниқ белгилаб олиш ва унинг режали тарзда амалга оширилишини таъминлаш;

-музыка маданияти ўқувчиларида нафосатни шакллантириш воситаларининг мазмунини халқ педагогикаси ва миллий қадриятлар мазмуни асосида такомиллаштириш лозим.

Ушбу хулосалардан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш юзасидан қўйидаги тавсияларни ишлаб чиқдик:

Нафосат тарбиясини амалга оширишни мактаб, оила, жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширишни янги мазмун билан бойитиш;

-турли воситалар ёрдамида нафосат тарбиясини амалга ошириш бўйича музыка маданияти ўқитувчилари учун янги педагогик технологиялар асосидаги методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш;

-музыка маданияти ўқитувчиларининг нафосат тарбиясини олиб бориш малакаларини ошириш мақсадида махсус ўқув курсларини ташкил этиш;

-умумий ўрта таълим мактабларида маълум бир кунни маънавий ва ахлоқий тарбия куни сифатида ўтказиш;

-ўқувчилар ўртасида нафосат эстетик дид мавзулардаги турли кўрик-танловларни, кечалар, байрам тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадқиқот ишининг якуни сифатида бугунги кунда нафосат тарбиясига бўлган эътиборни янада кучайтириш, ёш авлодни камолотга етказишнинг барча усулларида фойдаланиш, жамиятда бўлаётган ҳар бир ижобий ўзгаришларга ёшларнинг муносабатини тўғри шакллантириш орқалигина маънавий етук, ахлоқан пок, юксак инсоний фазилатлар эгаларини тарбиялашимиз мумкин деб айта оламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

- 1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент. 2011 й.**
- 2. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч” Т.“Маънавият” 2009й.**
- 3. Каримов И.А. “Баркамол авлод орзуси”, “Ўзбекистон миллий Энциклопедияси” Т., 2000 й.**
- 4.Каримов И.А. “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”, “Шарқ” Т., 1998 й.**
- 5 . Каримов И. А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.-Т.: “Ўзбекистон”, 2000.**
- 6. Бегматов С ва бошқалар. “Муסיқа” 1- синф учун дарслик. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти Т., 2002 й.**
- 7 Нурматов Ҳ. Ва бошқалар “Муסיқа” 2-синф учун дарслик. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи. Т., 2004 й.**
- 8. Ҳ.Нурматов, А.Мансуров, О.Иброҳимов. Муסיқа маданияти дарсликлари. (1-синф).**
- 9. Ҳ.Нурматов . Н.Норхўжаев. 2 синф учун дарслик.Т 2009**
- 10. . Ҳ.Нурматов . Н.Норхўжаев. 3 синф учун дарслик.Т 2007**
- 11. О. Иброҳимов. Ж. Иброҳимов 4 синф учун дарслик. Т 2005**
- 12. С. Бегматов . Д.Каримова. Қ. Мамиров. 6 синф учун дарслик.Т 2008**
- 13. Халқ таълими 2000 йил 2-сон**
- 14. Халқ таълими 2001 йил 1-сон .**
- 15 . Халқ таълими 2005 йил 4-сон.**
- 16 . Халқ таълими 2006 йил 6-сон.**
- 17. Халқ таълими 2006 йил 11-сон**

18. Халқ таълими 2007 йил 3-сон .

19. Узликсиз таълим тизимида мусиқа фанлари ўқитиш масаласи.

ТДПУ. Т., 2009 й.

Интернет материаллари

1. [http: WWW guldu .ziyonet. uz /](http://WWW.guldu.ziyonet.uz/)

2. [http: WWW guldu .portal.uz /](http://WWW.guldu.portal.uz/)